

ҲАММА—САЙЛОВГА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашининг!



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

13 июнь 1971 йил, якшанба • № 134 (15.004). • Баҳоси 2 тийин.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

Жонажон Коммунистик партия-
миз XXIV съездининг тарихий,
жаҳоншумул қарорлари билан
нурафшон йиллигининг ҳар бир
тонги зақили бўлмоқда. Съезд
қарорларини амалга ошириш
учун намарбаста халқимиз-
нинг жасорати, ғайрати туфайли
тўққизинчи беш йиллик би-
ринчи йилнинг ҳар бир тонги —
зафар тонги, янги ютуқлар, янги
муваффақиятлар тонги бўлмоқда.
Бугун эса ўлкамиз байрам ли-
босида. Ҳа, бугун чинакам халқ
байрами — республикамиз Олий
ҳокимият органи бўлиши Ўзбекис-
тон ССР Олий Советига ҳамда
маҳаллий Советларга сайловлар
куни. Бугун республикамиз ме-
хнаткашлари ўз хоҳиш-ирода-
ларини ифодалаб, хокимият органи-
ларига ўз вакилларини, ўз депу-
татларини сайлайдилар, жамияти-
миз рағнақи учун, ўлкамизнинг
иқтисодий ҳаётини яқинлашти-
ришда гуллаб-яшнаши учун,
коммунизм учун, ўз бахт-саодат-
лари учун овоз бердилар.

Бу бахт-саодатнинг бизга ҳоки-
миятини халқ кўлига топширган
Ленин партияси берган, рағнақи
йўлини шу партиямиз ўз програм-
масида белгилаб қўйган. Шунинг
учун ҳам ҳар галгидек, бу
зафар ҳам коммунистлар би-
лан партиячилар билан ме-
тиден мустақам бўлиб, сай-
ловларга келмоқдалар.

Коммунистик партия Советлар-
нинг коммунистик жамият қури-
лишидаги ролини ошириш тў-
ғрисида тинмай ғамхўрлик қи-
либ келмоқда. Совет демократ-
иясининг ривожлантирилиши,
маҳаллий Советларнинг ҳукук-
лари оширилиши билан бунинг
ерини далиллайди. КПСС XXIV
съезди қарорларида, СССР Олий
Совети Президиумининг шажар
ва район Советларининг ҳукук
ва бурчлари тўғрисидаги қарор-
ларида Советларнинг социал
иқтисодий тараққиёт, аҳолига ма-
даний-маиший хизмат кўрсатиш
соҳасидаги вазифалари рағнақи
курсаб берилади. Бу муҳим
ҳужжатлар Советларнинг ишлаб
курсаб бериши ташили этишдаги
ролини янада ошириши шак-шуб-
ҳасиздир.

Ваколатли органлар—Советлар-
нинг кучи унинг оммавийлигида,
халқ билан чамбарчас боғлиқлиги
ва халқ иродасини ифодалишида-
дир. Советлар орқали минг-минг-
лаб меҳнаткашлар давлат иш-
ларини бошқаришга жалб этилади.
Ҳар галги сайловларда Совет-
ларга янги-янги кучлар келиб
қўшилилади, депутатлини сайла-
ган минг-минг кишилар Советларда
давлатни бошқариш мақтабини
ўтадилар, чиниқадилар.

Гражданилар... мамлакатни бош-
қаришда ёппасига иштирок этиш-
лари зарур. Давлатни бошқариш-
га барча меҳнаткашларини ёппа-
сига жалб этиш биз учун жуда
муҳимдир. деган эди Владимир
Ильич Ленин. Ленин васиятлари-
га оғишмай амал қилаётган пар-
тиямиз социалистик демократия-
ни ривожлантириш, кенгайтириш
тўғрисида доимий ғамхўрлик қи-
либ келмоқда. Шу туфайли дав-
латни бошқариш ишларида тобо-
ра кўпроқ меҳнаткашлар бевоси-
та иштирок этаётдилар. Масардан,
1953 йилда республикамиз ма-
ҳаллий Советларига жами 45038
депутат сайланган бўлса, 1967
йилда 78576 депутат сайланди. Бу-
гун эса республикамиз меҳнат
аҳли область, шаҳар, район, қиш-
лоқ, посёлка ва овул Советлари-
га 83295 кишидан иборат ном-
зодлари учун овоз бердилар. Ҳа,
Халқ номзодлари меҳнатда чи-
ниққан, халқ бахт-саодати йўлида
куч-ғайратини алмайдиған, меҳ-
натсевар, элларвар кишилардир.
Улар халқ ишончи депутат зим-

масига жуда катта масъулият
юклашини, бу ишончини онлашдан
кўра олижаноб иш йўлигини
тушушган кишилардир. Кўп со-
ли агитколлективлар сайловчилар-
ни депутатликка номзодларнинг
ҳаёти ва фаолияти билан таниш-
тириш юзасидан катта иш олиб
бордилар. Сайлов олди кампания-
си давомида меҳнаткашлар рес-
публика олий хокимият органига,
маҳаллий ҳокимият органларига
курсабган вакиллари билан уч-
рашдилар, уларга ишлаб чиқа-
ришни ривожлантиришга, ма-
даний-маиший хизмат ишлари-
ни яқинлашга оид нўпғина на-
казлар бердилар.

Сайловчиларнинг ўз номзодла-
ри билан учрашувлари гоёт ак-
тивлик, ишчанлик вазиётида ў-
гани, бўлажан депутатларга бе-
ришган нақазларнинг социал
иқтисодий моҳияти каттали-
ги — буларнинг ҳаммаси халқ
Советларининг иқтисодий тарақ-
қиётини яқинлаштиришга катта баҳо
бераётганини, Советларнинг
халқ орасидаги обрўси, нуфузи
муттасил ошиб бораётганини яна
бир бор исботлаб берди.

КПСС XXIV съезди қарорларини
амалга оширишда Советларнинг
роли гоёт каттадир. КПСС Мар-
казий Комитетининг Бош секретари
ўртоқ Л. И. Брежнев Москвадаги
Бауман сайлов округи сайловчи-
лари билан учрашувда айтган-
дек, Советлар «шаҳарда ҳам,
қишлоқда ҳам, ишлаб чиқаришни
юксалтириш соҳасида жуда катта
роль ўйнашлари керак, ўй-нон,
мантаб ва болалар муассасалари
биноларини қуриш планларини
бажариш тўғрисида, ноялларни
обод қилиш ва меҳнаткашларни
зарур товарлар ҳамда қўрсатил-
диган хизмат билан узлуқсиз таъ-
минлаш тўғрисида ғамхўрлик қи-
лиш — буларнинг ҳаммаси Со-
ветларнинг бевосита бажарадиган
ишларидир.

Халқ моддий фаровонлиги ва
маданий даражасини бутун чо-
ралар билан ошириш партиямиз-
нинг бинобарин Совет ҳукумати,
нинг олий мақсадида. КПСС
XXIV съезди қарорларида эконо-
микамизни ривожлантириш,
шу асосда халқ турмушини
янада фаровон, эл дастурхонини
янада тўқин-қилиш программаси
белгилан берилди.

Шунинг учун ҳам барча совет
кишилари катори республикамиз
меҳнат аҳли съезд қарорларини
яқинлаштириш билан маъқуллаб кутиб
олдилар. Эндиликда партия режа-
ларини амалга ошириш учун ғай-
рат билан меҳнат қилаётдилар.
Беш йиллик дастлабки йили то-
пиширларини муқаддатдан илгари
бажариш учун социалистик мусо-
бақа кундан-кунга оммавий тус
олиб бормоқда. Янги-янги коллек-
тивлар ижодкорлик, ташаббускор-
лик намунасини кўрсатиб, зимма-
ларига оширилган мажбуриятлар
олмоқдалар. Буларнинг ҳамма-
си КПСС XXIV съезди қарорлари-
дан, партиямизнинг халқ фаро-
вонлигини ошириш тўғрисидаги
доимий ғамхўрлигидан руҳлан-
ган меҳнат аҳлининг активлиги,
ташаббускорлиги ошаётганини и
кўрсатиб турибди. Саноат корхо-
наларида, қурилиш майдонлари-
да, колхоз ва совхоз далаларида
миллионларнинг меҳнати жўш
урмоқда. Бу сайловлар ҳам пар-
тия ва халқ бирлигининг буюк
намоишига айланди.
ҲАММА—САЙЛОВГА!

ОРБИТАЛ «САЛЮТ» СТАНЦИЯСИ ПАРВОЗНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 12 июнь.
(ТАСС). Бугун соат 0.40 минутда учувчи бошқараётган
орбитал «Салют» илмий станцияси яна Совет Иттифо-
қидан радио алоқаси боғлаш мумкин бўлган зонага
кирди. Учишни бошқариш маркази станция билан доимо
радио алоқа боғлаб турибди.

Космонавтлар Добровольский, Волков ва Пашаев
ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Станция-
нинг борт системалари ва илмий аппаратлари нормал
ишлаб турибди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СУРИЯГА ЖУНАБ КЕТАДИ

СССР Олий Совети Прези-
диуми Раисининг ўринбосари,
Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг Раиси Н. М.
Матчонов бошчилигидаги СССР
Олий Советининг делегацияси
Сурия Араб Республикаси Халқ
Кенгашининг таклифига буюн
12 июнда расмий дўстлик
визити билан Москвадан Да-
машққа жўнаб кетди.

Делегация составида СССР
Олий Советининг депутатлари—

СССР геология министри А. В.
Сидоренко, Шимолий Осетия
область партия комитетининг
биринчи секретари Б. Е. Каба-
лов, меҳнаткашлар депутатла-
ри Харьков область Совети
ижроия комитетининг раиси
А. П. Бездетко. Сочидати «За-
ра» санаторийи медицина бў-
лимининг мудир В. В. Дмит-
риева, Закавказье темир йўли-
нинг бошлиги Г. И. Кадагидзе
бор. (ТАСС).

КАРВОНБОШИ

Чўлнинг номи Шайтонқўл. Ки-
шиларнинг ўзгартиргани Олтин-
қўл.

Биринчи от солганлар: Рўзимат
Бойматов, Маматқул Қўлматов,
Жуманбой Суяров, Турғунбой
Урунов, Турғунбой Муродов, Ма-
мажон Раҳмонов, Абдурахмон Қў-
зибоев, Тожиқат Холматов, Тур-
ғунбой Абдуллаев, Холққазар
Курбанов қабилар.

Нега буларни номма-ном сана-
ди. Булар пашава чекса ҳўкизи
бўқиртирадиган Шайтонқўлда ём-
ғирнинг сувини тинтиб ичиб, ша-
монининг уясида омонатина кэ-
па тикиб, қаричма-қарич сарғиш
кумларга кўк йўл торганлар.
Кумлар орасидан сизиб кўз ёши-
даги миллираган булқларнинг би-
ринчи бор кўзини очганлар, гарм-
селнинг дамини биринчи қайтар-
ганлар.

Абдураззоқ ота 13 йиллар му-
қадам кўч-қўлорини аравага ор-
тиб, қопини орқалаб келганда
чўл хўйла «одамбашара» бўйиб,
икки аравадан пахта берадиган
бўйиб қолганди.

1931 йилларда бисотидаги кўш
хўкизни топириб «Ойдин» кол-
хозига кирганди. Қирқ йилдири
у далада. Қўллари қадок эмас,
темир бўйиб кетди. Темир! Бур-
гутнинг панжасида чўлнинг қас-

рини ушласа қўлиб оладиган бўл-
ди. Чўл лочинларининг сор лоч-
нига айланди.

Шайтонқўл билан олишиб кенг
пешанасига ажин тушди. Чўл уни
яна бир бор ўз қозонида қову-
риб олди. Ота Шайтонқўлни она
кишлог Репқондот қилиш учун
озмунча тер тўқиди. Отанинг
бригадаси ўган йили 50,5 цент-
нердан ҳосил олди.

Ер илмининг ҳўжжасиз акаде-
микни ҳўкуматимиз мўносиб
кадрлади. Яқинда унга юксак му-
кофот — Социалистик Меҳнат
Қаҳрамони унвони берилди. Сод-
дагина, камсўхан, андак саводхон
отанинг давлатига ўз раҳматини
ер орқали, чўлни ғайретириб айт-
моқчи.

Кўш қанотсиз учолмайди. Ота
ўз қанотлари Нурмат Пирматов,
Ахмадали Ваҳобов, Нажмиддин
Исҳоқов, Қурбаной Нурматов,
Латофат Набиева, Зулайхо Оби-
дова қабилар билан манзилга
етади. Манзил — гектар бошига
55 центнер! Бу Абдураззоқ ота
Икромовнинг Киров районидаги
«Искра» колхозидан, Олтинқўл-
нинг бир бўлағидан ундирган қар-
вони бўлади. Карвонга оқ йўл.

А. ЭШОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.



ХўРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла сотиш йиллик
планини муқаддатдан илгари ба-
жарганликлари учун қўндагилар
республика «Хўрмат тахтасига»
ёзилади.

Беруний райони (район пар-
тия комитетининг секретари К.
Нурматов, район ижроия комите-
тининг раиси Т. Маткаримов,
район комсомол комитетининг
секретари М. Ҳошиммуратов, бош
пилла қуриш пунктининг дирек-
тори М. Авазжонов ўртоқлар).

Хўжабод райони (район пар-
тия комитетининг секретари Д.
Ҳасанов, район ижроия комите-
тининг раиси Т. Орзибоева, район
комсомол комитетининг секрета-
ри К. Охунов, бош пилла қури-
ш пунктининг директори М.
Мирзаев ўртоқлар).

Пахтабод райони (район пар-
тия комитетининг секретари Х.
Қодиров, район ижроия комите-
тининг раиси М. Эшон, район
комсомол комитетининг секрета-
ри А. Ваҳобов, бош пилла қури-
ш пунктининг директори Н.
Оминов ўртоқлар).

Қўрғонтепа райони (район пар-
тия комитетининг секретари К.
Авазжонов, район ижроия коми-
тетининг раиси О. Мамажонов,
район комсомол комитетининг
секретари Р. Бўрибоев, бош пи-
лла қуриш пунктининг директо-
ри Н. Цеповальникова ўртоқлар).

Самарқанд райони (район пар-
тия комитетининг секретари Б.
Бўринов, район ижроия комите-
тининг раиси А. Олчинбоева, район
комсомол комитетининг секрета-
ри Д. Раҳматуллаев, бош пилла
қуриш пунктининг директори
Н. Забиров ўртоқлар).

«КОСМОС-427» ПАРВОЗДА

1971 йил 11 июнда Совет Итти-
фоқида Ернинг наватдаги сўнғий
йўлдоши — «Космос-427» учир-
ди. Йўлдош ичига космик фазони
тадқиқ қилишни давом эттиришга
мўлкалланган илмий аппаратлар
ўрнатилган.

(ТАСС).

Урим—иғимга тайёрмисиз?

ҒАЛЛАКОРЛАР

ШАЙЛАНМОҚДАЛАР

КПСС Марказий Комитети
ва СССР Министрлар Совети-
нинг «1971 йил ҳосилини йи-
ғиштириб олиш ва қишлоқ хў-
жалик маҳсулотлари тайёрла-
ни таъминлаш чоралари тўғри-
сида»ги қарорини Ғаллакор-
районидаги Карл Маркс номли
совхоз ғаллакорлари кўтарини
руҳ билан кутиб олдилар. Сов-
хоз меҳнаткашларининг фидо-
корона меҳнати туфайли 9 минг
гектар майдонда ғалладан мўл
ҳосил етиштирилди. Қўнамда
ёғингарчилик кам бўлди. Шу-
нинг учун деҳқонлар барча май-
донда борона ўтказиб, ерда на-
ми яхши сақладилар, ғалла май-
салари туркираб ўсди.

Карл Маркс номли совхоз
деҳқонлари янги беш йиллик-
нинг биринчи йилида 10 минг
тонна дон етиштириш мажбу-
риятини олганлар. Давлатга 5
минг тонна дон етказиб бери-
лади.

Ғалла яхши ривожланмоқда.
Бетона ўт йўл. Тўлишайган
дон бошқалари мўл ҳосилдан
далолат беради. Урим-иғимга
пухта тайёрларни қўрилмоқда.
55 та комбайн ремонт қилинди.
Янғон Аролов, Турғунбой Бо-
ботаев, Раҳмат Туғунов каби
комбайнчиларнинг ҳар бири
ўган йили 400 гектар ери-
нинг ғалласини ўрган эди. Агрега-
ларини ишга шайлаб қўйишган
комбайнчиларнинг ҳар бири бу

йил 500 гектардан майдоннинг
ғалласини сарайжомлашга сўз
берганлар. 8 та хирмон жой
тайёрланди. 5 та тарозон ремонт
қилинди.

Совхоз ғаллакорлари бу йил
дар гектар ердан 9—10 цент-
нердан дон олишни мўлкалла-
яптилар. 1970 йилда ғаллачи-
ликдан 104 минг сўм фойда
олган бўлса, бу йил 150
минг сўм соф фойда олинади.

Валанд тоғлар бағрида жой-
лашган совхознинг қир-адирла-
рида олтин бошоқлар қўёш
нурида ажойиб товланади. Са-
ноқли қушлардан кейин ком-
байнлар наъраси тоғлардан тоғ-
ларга урилиб, ажойиб меҳнат
симфонияси ҳосил қилади.

«Баҳмал» совхозининг деҳ-
қонлари ҳам 4979 гектар ер-
да мўл ғалла етиштирдилар.
Баҳмалликлар 3290 тонна дон
тайёрлаб, унинг 2200 тоннаси-
ни Ватанга етказиб берадилар.

Урим-иғимга дуруст ҳозирлик
қўрилди. 20 та комбайн ремонт
қилинди. Бутумбай Собиров,
Иброҳим Раҳматов, Бектемир
Мўминов каби комбайнчилар
400-450 гектар ери-
нинг ғалласини ўриш мажбуриятини олди-
лар.

Б. ИМОВОВ,
Самарқанд области.

ПИЛАМИЗ— ТИЛАМИЗ

Республика областларида пилла
тайёрлашнинг бориши тўғрисида
1971 йил 12 июнга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи сўт — масвум боши,
дав бўён тайёрлаган пилла (то-
на ҳисобидан); иккинчи сўт —
планининг бажарилиш проценти;
учинчи сўт — бир гўяда тайёр-
ланган пилла (процент ҳисобидан).

ХОРАЗМ	1513,6	119,1	1,1
БУХОРО	2609,5	113,4	—
ТОШКЕНТ	1538,8	112,3	—
СИРДАРЁ	437,5	111,6	0,3
АНДИЖОН	3149,4	108,6	0,2
ҚАШҚАДАРЁ	1239,6	107,8	0,3
СУРХОНДАРЁ	706,8	100,8	0,4
ФАРҒОНА	4530,4	100,7	—
НАМАНГАН	2012,5	100,6	0,1
Самарқанд	2095,9	95,2	0,5
ҚК АССР	576,9	88,7	3,0

Республика
бўйича: 20410,9 104,6 0,3

БУГУН—ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ



Республикамиз энгил саноат корхоналарининг ишчи, инженер-техник ходимлари ўзларининг
байрамларини меҳнатда ажойиб ютуқлар билан нишонладилар. Суратларда: 1. (чапдан) Андижон
трикотаж фабрикасининг илгор ишчиси Одина Ғаффарова У берилган топириқларини доимо оши-
риб бажармоқда. 2. Бухородаги ипакчилик фабрикасининг коллективи Зухра Зшмуродованинг но-
мини ҳўрмат билан тилга олади. Мазкур фабрикада 20 йилдан бу ён ишлаб келаётган пешадам
ишчиси З. Зшмуродова (ўнгдан) иш устида.




В. Сироткин фотолари.

Социалистик шаҳарнинг 25 йиллиги

Суратда: Бугун Ангрен ўзининг чорак асрлик юбилейини нишонлаётган.
Суратда: В. И. Ленин номли проспекти кўриб турибсиз.

Р. Шамсидинов фотоси,
(ЎзТАГ).



Шури мамлакатларда

Хинди-Хитой фронтларида

ХАНОЙ, (ТАСС). Каосан Патет Лао агентлигининг тўла бўлмаган маълумотларига кўра, Лаос Халқ озодлик армияси 1970 йил ноябрдан 1971 йилнинг май ойигача душмanning 31200 дан ортиқ солдат ва офицерини, шу жумладан, Сайгон армиясининг 15700 дан кўп солдатини, АКШ армиясининг учувчилари ва ҳарбий маслаҳатчиларидан 527 кишини сафдан чиқарган. 16700 та курул-яроғ, 770 ҳарбий машина (буларнинг ярми танк ва бронетранспортерлардан иборат) ўзла олинган ва яқсон қилинган, душмanning 652 самолёти ва вертолётни уриб туширилган ҳамда шикастланган. Жанубий

Вьетнам ватанпарварлари 8 июнда Комтунг вилоятида бешинчи артиллерия ҳарбий базасининг позицияларини ўққа тутирилган, бир вертолёт уриб ташланган.

Халқ озодлик курулди кучлари бўлимининг Сайгондан 70 километр жанубдаги Бенче вилоятида кўйроқ Сайгон қўшинлари постига зарба берганлар ва душмanning 20 солдатини қириб ташлаганлар.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

◆ СИРЛИ ИБОДАТ

Мадридаги черковларда берида сирли — дегарли яширин тоат-ибодат бўлиб ўтди. Унда қатнашган калитан Вальтер полициячилардан ана шу ибодатни суратга олган чет эл журналистнинг фотолёнасини тортиб олишни талаб қилди. Чилидан келган журналист эълани эса полиция участкасига олиб боришди. Гап шунданки, уша сирли ибодатда дуохонлар «Гарбий Европа христиан маданиятининг химоисчи — Адольф Гитлер руҳига» чўқинганлар.

◆ БИЛИМДОНЛИК БАЛОСИ

Индиана (АҚШ) штатининг губернатори ўз нутқида штат маъмуриятининг маориф соҳасида катта ютуқларга эришганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мисол тариқасида у турмада ушш ва эълани урганган маҳбустлардан бирининг тарихини сўзлаб берди. Эндиланда, деди губернатор, бу одам яна калмада ўтирибди. Бу сафар у сохта хужжат тайёрлашда қўлга тушган.

◆ НЕГРГА ЙҮЛ ЯҲҚ

Германия Федератив Республикасида хизмат қилаётган Америка қўшинларида 28 минг негр солдат бор. Америка АВС телекомпаниясининг журналистлари негрлар бу ерда қанчалигини, йўқини деган мақсадда тенгириш ўтказишга қарор қилишди. Солдат негрлар Жимми Арчи, Бредфорд Барк ва Ральф Липс билан журналистлар туги бардан бирига киришди. Клуб директори негр солдатларни дарҳол ташқарига қувиб солди ва бу ерга негрларнинг кириши мумкин эмас деди. Бошқа бир клубда ҳам негрларни худди ана шундай қарши олишди. Фақат «Бау ал» клуби негрларни ичкари қўйди. Чунки унинг хизматлари негрлар билан кириб келган журналистларни қидирув полицияси деб гумон қилишган эди.


(«НОВОЕ ВРЕМЯ» дан).

ЮБИЛЕЙ МУКОФОТЛАРИ

УЛАНБАТОР, 11 июнь. (ТАСС). Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг тақдироти билан Монголия Халқ Республикаси Буюк халқ хуралли Президиуми фармон чиқариб, Монголия Халқ Революцион партияси XVI съезди ишларида қатнашган чет эллик меҳмонларни, «Монголия Халқ революциясининг 50 йиллиги» юбилей медаллари билан мукофотлади.

Монголия Халқ Республикаси Буюк халқ хуралли Президиумининг Раиси Я. Самбу бугун ҳукумат уйда КПСС Марказий Комитети Сўсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети

секретари А. П. Кирилленко бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси аъзоларига мукофотларни топширди. Уртақ А. П. Кирилленко мукофот учун Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетига ва МХР Буюк халқ хуралли Президиумига қизғин ташаккур изҳор қилди, МХР меҳнаткашларини Монголия Халқ Революцион партиясининг шонли 50 йиллиги билан табриқлади. Уларга бахт-саодат, Монголия Халқ Революцион партияси XVI съезди қарорларини бажаришда катта муваффақиятлар тилади. Бошқа қардош партияларнинг делегациялари ҳам мукофотларни олдилар.



Э НЕРГЕТИКА базасини ривожлантириш ГДРнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Уни амалга оширишда Совет Иттифоқи катта ёрдам бермоқда. Котбус округида қурилатган «Боксберг» электростанцияси Европадаги энг йирик нуқсондан пайти.

Совет Ўзбекистони

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Экинчи адрес ва телефонлари: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» нуқсаси №26. Редактор — 336545, Матбуъа секретари — 334555, Матбуъа секретари уриносарлари — 337283. Партия турмуши — 333489, 337221. Маркисиз-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221. Саноят, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Кишлоқ ҳўжалиги — 337804. Адбэбэ ва санъат — 332036, 331216. Фан, маънаф ва олий ўқув юртилари — 334451. Махаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва катлар — 332143, 333553. Вилостарлаш — 334524. Стенография — 337343, Коррентура — 337162. Ўзасоналар — 333142. Коммутиатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258.

ОБЛАСТ МУХБИРЛАРИ, Андинов — 48-85, Вухоро — 3-31-42, Қарши — 38-42, Нукус — 42-62, Самарқанд — 31-972, Термиз — 54-01, Урганч — 34-55, Фарғона — 429-44, Гулистан — 22-03.

Дипломатнинг ёзанлари ХИТОЙ «МАДАНИЙ РЕВОЛЮЦИЯ» ДАН КЕЙИН БАЪЗИ ЯКУНЛАР

Хитойни ўрганаётган кишиларнинг ҳаммаси Хитойдаги «маданий революция»га сиёсий баҳо беришдан, унинг харақатлари, харақатлантирувчи кучлари ва пиравард мақсадинин таърифидан беришдан ўзларини тўхтатиб қолмайдилар. Мава шундай баҳоларнинг баъзилари факат мантйий ҳўсосларга асосланганлиги учун ҳам уларни реалистик баҳо деб бўлмайди. Баъзи бир кишилар «маданий революция»ни қандайдир яқинлашган, мустанак ҳўдиси деб ҳўсўблайдилар. Шундай кишилар ҳам бори, улар туристик сўаҳатидан жўда таъсирланиб кетиб, шу сўаҳат вақтида раҳбарлиқ қилиб юрган кишиларнинг айтиш ҳамма гапларига рост гап деб ишоняверадилар. Хитой маъмуриятининг фотолёнасини тортиб олишни талаб қилди. Чилидан келган журналист эълани эса полиция участкасига олиб боришди. Гап шунданки, уша сирли ибодатда дуохонлар «Гарбий Европа христиан маданиятининг химоисчи — Адольф Гитлер руҳига» чўқинганлар.

«Маданий революция»нинг сингарияракий ҳар томонлама тахлил қилиб берилган деб даъво қилимоқчи эмасман. Лекин очик кўриниб турган бир нарсаси — менинг кўпгина кўзатишларим ва жўда кўп Материаллар шундай ҳўсўсга олиб келиди: «Мао Цзэ-дуннинг ички ва ташқир сиёсатидан норойи эканигини айтган ёки бу сиёсатнинг тўғрилигида шўбҳали назар билан қараган кишиларнинг ҳаммасини «маданий революция» йўқ қилиб ташлади. Бундай кишилар аввало партия ва давлат надрларидан, Хитой зиёлиларидан (жўдалдан инюнокор зиёлиларидан), экономист олимлар ва шу қабилардан иборат бўлди. Маонинг партия ва жамиятдаги сиёсатида норозилик белгилари 1959 йилда ошқоря намойиш бўлди. Уша йили соёик мудофая министри, Хитой Компартияси Марказий Комитети Сўсий бюросининг аъзоси, Пендэ-хўй ва уни қўллаб-қувватлаган кишилар Хитой Компартияси Марказий Комитетининг Луандадаги пленумида «Катта сўрашнинг «халқ қоммуналари»ни ошқоря қараллашларидан ушун айбонли» ҳамма лавоимларидан олиб ташландилар.

Вироқ Мао бу билан масалани ҳал қилиб бўлмаёлигини тушунар эди. Норозилик кўчал бориб, Маонинг мўтлоқ ҳўкўмонлигини бевосита хаф остида қолдирадиган даражага бориб етиши мумкин эди. Хитойнинг иқтисодий барбодлигига ва муваффақиятсизлигига учрашга сабаб нима? — деган саволга жавоб берилишини мамлакат кутмоқда эди. Шунинг учун ҳам уша вақтда Мао Цзэ-дун ва унинг энг яқин кишилари кекса надрларнинг деярли ҳаммасини олиб ташлашга, бу надрлардан фақат «Раис Маога содиқлигини» амалда исбот қилаётганларини қолдиришга қарор қилган бўлсалар керак. «Маданий революция» мана шу тариқа бошланди.

Вироқратизм, амалпарастлик, кирипарастлик ва шу қабил ҳўллардан халқ норойи бўлаётганлигидан Мао Усталлик билан фўдаланди. «Революцион омма», яъни хўнвей-бинлар — сўсий жўхатдан гўр бўлган ёшлар ва қаофанлар — ишчиларнинг қўлоқ ва алданган қисми — надрларга, партияга, халқ қоммуналарига қайраб солинди. Мисли қўригмаган тозалаш бошланмасидан олдин пропаганда ўз ишини қилиб қўйган эди (буни ҳўзир ҳам давом эттирмоқда): «Раис Мао» асло хато қилмайди, фақат надрларга хато қилиш ва нотўғри иш олиб бориши мумкин деган фикрни халқнинг мислига қўйиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам мисли қўригмаган бу тозалашни ўтказишга муваффақ бўлди. «Маданий революция» давомида оғли кишилар ва деҳқонларнинг бир қисми пропагандага ишонмай, жўларда партия ва ҳўкўмониятнинг ҳўмоқ қилиб чиққандан кейин Мао армияни ишга солди.

Расмий изоҳларда айтилишича, «маданий революция» марказда ва жўларда деярли 17 йилдан бери Маога ёрғашмай, балки Лю Шао-чўнга ёрғашиб юрган, сўсий, ҳўқўқий, бадийи ва иқтисодий тадикилотларга раҳбар бўлиб олган «ёмон» кишиларнинг катта қўпчилигини лавоимларидан олиб ташлаб, «ёски усткурман» йўқотиб ва мана шу муассасаларнинг ўзини ҳам тўғатибди.

Партия масаласи «маданий революция»нинг ассий масаласи бўлди, дейиш мумкин. Партия тор-мор қолтирилганлиги ҳўзирги вақтда Пекинда расмий равишда ва очидан-очик эътироф қилишни истамаётдилар. «Маданий революция» даврида, «партияни тартибга солиш ва қўриш харақати» тўғрисида таъбириши афзалроқ кўридилар. Аммо хитойларнинг ўзлари эски партия комитетларининг ҳаммаси «революцион» йўл билан «туғатилганлигини», партия надрларининг деярли ҳаммаси «контрреволюционерлар» «ревизионистлар», «Мао Цзэ-дун йўлига қарши бўлганлар» Лю Шао-чўнинг «агентлари» деб эълон қилинганлигини ва сиёсийлик йўлдан бориш кишилар» рўйхатига кириб қўйилганлигини эътироф қилмоқдалар. Боши тавасидан жўда қилинган партия ташиқлотлари ўша-ўшадан тўғатиб, Хитой Компартиясининг аъзолари эса Мао Цзэ-дунга қарши бўлган кишилардан тозаланди. Хитой кўтбўтининг таърифи билан айтганда «сиёсий сафларни тозалаш» ўтказилди.

1968 йилнинг охирига келиб мамлакатда сиёсий аҳвол стабиллашганидан кейин Пекин раҳбарлари яқин партия органлари тузишга киришдилар, бу органларга фақат Мао Цзэ-дуннинг «сингалар» тарафдорлари киришди. Бу жараянга армиянинг вакиллари бошчилиги қилди. Қарбий назорат қилиб туриш ва «сўларини» яқин Мао тарафдорларини қўллаб-қувватлаш учун армиянинг вакиллари ҳар бир қорхонага, ҳар бир муассасасига, шу жўмладан Хитой Компартияси Марказий Комитетининг аппаратида ва Хитой Халқ Республикасининг давлат кенгашига ҳам жўйлаштириб қўйилган эди. Яқин партия тузиш уч йилдан бери давом этмоқда. Шўнга қарамай ҳали ҳамма жўйла ҳам ҳатто уезд партия ташиқлотлари ва уларнинг раҳбарлари тузилиб бўгани йўқ. Утган йилнинг охирида вилоят сўездари тузилиш ва партия комитетларини тузиш бошланди. Шу сўездар тўғрисида Пекин матбуотида босилган хабарларда яқин харақатлари ҳўсуниат кўзга ташланади. Биринчидан, делегатлар вилоят сўездарида сайланганга йўқ, балки тайинланмоқда, вилоят сўездарида олдин бу ерда ўезд ва шаҳар комитетлари ўтказилмаётди. Аммо Хитой Коммунистик партиясининг 1969 йил апрель ойида ўтказилган IX сўезди делегатлари ҳам тайинланган делегатлар эди. Уша вақтда партия ташиқлотлари эндигина тузила бошлаган эди. Иккинчидан, территориялар ҳарбий округларнинг қўмондонлари, ҳарбий округларнинг сиёсий комиссарларини биринчи секретаря ва уларнинг ўринбасарлари қилиб қўйилиб олат бўлиб қолди. Вилотларнинг махаллий маъмурий органлари — ревкомларига ҳам мана шу кишилар бошчилиги қилмоқда. Ревкомларини ҳеч ким сайлаган эмас, аксинча улар партия комитетлари ва консти. тузилад қўригилган халқ комитетлари тўғатиладан кейин юқоридан тайинлаб қўйилган.

Шундай қилиб вилотлардаги партиянинг, маъмурий ва табиийдиқри, ҳарбий ҳўкўмонияти ҳам қарийлар йўлида тўллаш «Маданий революция»нинг ассий йўқини бўлди. Уларга чекланмаган ваколатлар берилмоқда. Марказда ҳам аҳвол шу. «Маданий революция» вақтида қайдаб йўборишга асир министрлар ўринга қарийлардан яқин министрлар тайинланмоқда.

«Маданий революция» бўтун мамлакатни Мао гўялари мактабига айлантириб юборди. Хитойда ҳар бир кишини Мао асарларидан олдинган парчаларни ҳар кўни қайта-қайта ўқишга мажбур қилмоқдалар. Бўтун учун иш бошлангандан олдин бир соат ва иш тўғатгандан кейин бир соат вақт асиратиб қўйилган. Мао Цзэ-дун гўяларини ўрганиш ва қўлланни» кампанияси кетма-кет ўтказилиб турибди. Кейинги вақтларда Маонинг «фалсафий асарларини» ўрганиш кампанияси авл олдирилди. Гўзета ва журналлар шу мавзўдаги материаллар билан тўлиб чўқмоқда.

Лекин Пекин раҳбарлари жўда катта куч ва гўйрат сарфлаётганларига қарамай Маога, унинг гўяларига ва «олди қўригилмаётган» ҳамман «мўтлоқ ишонтириш»га ёриша олмаётдилар. Сира тўғамайдиган сўсий кампаниялар, жўмладан «қўраш, тадиқ, ўзгартриш» кампанияси халқнинг жўнига тегди. Аслини олганда бу кампания аҳоли орасида ўтказилган тозалашнинг, «сиёсий душманларни» «контрреволюционерларни» «фўш қилиш» ва жўзлашнинг давомидир. Одамлар яна нормал осийишга ҳаётга ва ишга қайтишни истайдилар.

Вироқ бундай қайфиятларнинг пайини қатъий равишда қириб ташламоқдалар. Яна шу нарсани ҳам қайд қилиб ўтиш керакиди, кўп йиллардан бери Хитойда ҳўжалиг ва сўсий хаётни йўллаб турувчи давлат қарори ҳам, ҳўқўмат қарори ҳам нўшр етилгани йўқ. Халқ олдида шўндай қарорлар чиқарилаганлиги хабар қилинган эмас. Ҳамма нарсаси бир кишининг, яқин Маонинг айрим гаплари билан белгилаб берилмоқда.

Ниҳоят, «маданий революция» Хитой миллий маданиятига, халқ маорифига жўда катта зарар етказди. Адбэбэ, саъбат асарлари йўқ бўлиб кетди. Буларнинг ҳаммаси Мао Цзэ-дун кўтбўчалари асарлари, шеърлари билан алмаштирилди. Жаҳондаги энг катта миллиятларнинг бири бир одамнинг шахсига сўгисини деб, жаҳон маданиятидаги эмас, ўз тарихи ва маданиятидан ҳам сўратиб қўйилганлигини ҳеч қандай важ билан оқлаб бўлмайди.

Д. КАРПИЛЬ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.35 — ТОШКЕНТ, 9.00 — ХАММА САЙЛОВГА! (Сайлов участкасида репортаж), 9.20 — Биринчи марта овоз бераман, 10.00 — Кавказ асираси (бадий фильм), 11.20 — Концерт, 12.10 — МОСКВА, 12.15 — Янгиланган, 12.30 — Концерт, 13.00 — Ўзоқ ва яқин, 13.10 — Муълт фильмлар, 14.40 — СССР халқларининг У спартакиадасида, 15.10 — Музикали киноса, 15.40 — Бугун енгил саноат қодимлари кўни, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — «Звездочка», 18.30 — Ахборот, 18.50 — Бугун енгил саноат қодимлари кўни, 19.30 — Оламга сўхат, 20.30 — Ахборот, 20.50 — Гўлшод Отабоева кўйлайди, 21.40 — Ўзбекистон Бутуниттфоқ кишлоқ ҳўжалиги ютуқлари виставасида, 22.00 — Концерт.

ИКИНЧИ ПРОГРАММА

10.00 — ТОШКЕНТ, Ўқув кўрсатувлари, 10.20 — МОСКВА, 17.00 — Халқаро программа, 17.30 — Киносўхатчилар клуби, 18.30 — Хўжикатил фильм, 18.40 — Янгиланган, 18.50 — Концерт, 19.30 — Совет Армияси ва Флоти жағичилари учун кўрсатув, 20.00 — Бадий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

ТЕАТР

НАВОНИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/VI да Оққўш кўли, 15/VI да Гўлсара.
ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/VI да Олтин девор, 15/VI да Бой ила хизматчи.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ассий зарба (2 серия) — САНЪАТ САРОНИ (эрталаб соат 11 ярим, кўндўз 2, 4 ярим, кечкурун соат 7 ва 11.15 минўтда).

Ўқимтоқ жаноб «Р» — «СПУТНИК» (жўфт соатларда), «ЎЗБЕК КИНО» (кўндўз ва кечкурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 11, кўндўз 1 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8, 10 да), «ЧАЙКА» (кўндўз соат 12, 2 ва 4 да).

Хайр дўстлар! — «СПУТНИК» (кўндўз ва кечкурун), «ЎЗБЕК КИНО» 25 ЙИЛЛИГИ (эрталаб соат 11, кеч соат 8.45 минўт ва 10 яримда), НАВОНИЙ НОМЛИ (эрталаб соат 10, 11.40 минўт ва кеч соат 10 да).

Катта сайр (2 серия) — «КОМСОМ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кўндўз 2 яримда), «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ярим ва 9 да).

Том Жюан (2 серия) — «КОМСОМ 30 ЙИЛЛИГИ» (кўндўз соат 12, 5 ва кеч соат 8 да), «МОСКВА» (кўндўз соат 2 ярим, 5 ва кеч соат 7, 9 яримда).

Ҳамраэ (2 серия) — «ЎЗБЕК КИНО» (кўндўз ва кечкурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кўндўз соат 12 ва 3 да).

Утган кўнар (Ўзбек тилида) — НАВОНИЙ НОМЛИ (кўндўз соат 1 ярим ва 3.20 минўт, 5 ва 8.20 минўтда).

ЕЗГИ БИНОДА

Катта сайр (2 серия) — ТЕЛЬ-МАН НОМЛИ.

Ўқимтоқ жаноб «Р» — «ФЕСТИВАЛЬ».

Кўнгабўнар — «ХИВА».

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

18, 19 июнь кеч соат 8 да

20 июнь кўндўз соат 1 ва кеч 8 да

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА АТОҚЛИ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА

Катта концерт

«ТАБАССУМ ОҚШОМИ»

КАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари — Амин ТУРДИЕВ, Ғани АЪЗАМОВ, Ақром ЮСУПОВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — Олма-ХАЙТОВА, Таванқал ҚОДИРОВ, Жўманазар БЕКНОНОВ, Қўвонди ИСКАНДАРОВ, Эргаш ҚАРИМОВ, Эркинжон ТОШ-КЕНТБОВ.

Солистлар: Қомилжон БАРАТОВ, Ҳабиба ОХУНОВА (Наманган), Ҳалима ХОЛБОБОВА (Марғилон), Дилбар ҚАЮМОВА, Гўл-чеҳра ИСМОИЛОВА, Қизлархон ДУСМУХАММЕДОВА, ака-ука Қомилжон ва Зокирхон РАҲИМОВЛАР (Наманган), Ни-зомжон ИҚРОМОВ, ака-ука Қўмонжон ва Абдулқадир ҒАФУ-РОВЛАР, Уткир ХОЛМУХАММЕДОВ, Зайнобиддин ЮСУПОВ (Марғилон), Ҳасан ЙҮЛДОШЕВ, Садир ЗИЕВУДИНОВ, Одил-жон ОХУНЖОНОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Азиз МУЛЛАХОЛОВ.

Программани Амин ТУРДИЕВ, Ҳасан ЙҮЛДОШЕВ ва Токи АЪЛОЕВЛАР олиб борадилар.

Билетлар Свердлов номли концерт зали ва Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида кўндўз соат 2 дан сотилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ

ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ

МИНИСТРИЯНИНГ

Олий ўқув юртларига техника ва иқтисод инженерлиги, физика, механика, математика мутахассисликларига кирувчи-лар физикадан эма ёки оғзаки имтиҳон топширадилар.